ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ПОП ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ
Қ А Р О Р И

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
POP TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

«2» 11-04 2020 й. Поп шаҳри 504 -сонли

Поп тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати Қоидалари" талабларига асосан Поп тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва огир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили 1-иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Туман Ички ишлар бўлими бошлиги С.Абдуллаев ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Ж.Гопировга туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муиосабати билан туман ҳокимининг айрим фармойишлари 2-иловага асосан бекор қилинсин.

4. Мазкур қарор “Поп тонги” газетасида расмий эълон қилинсин **ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин**.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда **қолдираман**.

Туман ҳокими **А.Султанов**

Туман хокимининг
2020 йил "2" июндаги
504 -сонли қарорига
1-илова

Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили

РЎЙХАТИ

№	Йўл белгиси ўрнатилган йўл номи	Йўл белгисини номи
1.	4Р-125 "Пунгон қ-Ғурумсарой қ-Поп ш" автомобиль йўлининг 13 км оралиғига йўл белгиси ўрнатиш	1.24 "Мол хайдаб ўтиш" йўл белгиси
2.	А-373 "Тошкент-Ўш" ҳалқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 221-229 км оралиғида йўл белгиси ўрнатиш	3.27 "Тўхташ таъқиқланган" йўл белгиси
3.	А-373 "Тошкент-Ўш" ҳалқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 221-229 км оралиғида йўл белгиси ўрнатиш	3.27 "Тўхташ таъқиқланган" йўл белгиси
4.	4Р-126 "Балиқчи қ-Мингбулоқ қ-Найман қ-Пунгон қ" автомобиль йўлининг 76+0.21 км.да йўл белгиси ўрнатиш	3.11 "Вазн чекланган" ҳамда 3.24 "Юқори тезлик чекланган" йўл белгилари
5.	А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг 273 км.дан 4К-464 "Қўшминор қ-Чодак қ" автомобиль йўли орқали 4Р 125 "Ғурумсарой қ-Хонобод қ-Чодак қ-Гулистон қ" автомобиль йўлига йўл белгиси ўрнатиш	3.3 "Механик транспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқланган" йўл белгиси
6.	Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини Фидокор кўчасида юк автомашиналарининг ҳаракатини чеклаш	3.4 "Юк автомашиналарининг ҳаракатланиши таъқиқланган" йўл белгиси
7.	4Р 215 (112) "Пунгон қ-Ғурумсарой қ-Поп ш" автомобиль йўлининг 27-28 кмлар оралиғига йўл белгиси ўрнатиш	3.24 "Юқори тезлик чекланган (30 км/соат)" ва 3.28 "Тўхтаб туриш таъқиқланган" йўл белгилари

8.	4Р-112 Фарғона ҳалқа йўли “Пунгон-Наманган” автомобиль йўлининг 0-39 кмлари оралиғига йўл белгиси ўрнатиш	3.24 “Юқори тезлик чекланган (70 км/соат)” йўл белгиси
9.	Собиқ Поп Деҳқон бозори МЧЖ атрофида ва унга туташ бўлган кўчалар (Бодомзор, Истиқлол)га йўл белгиси ўрнатиш	3.28 “Тўхтаб туриш таъқиқланган” йўл белгиси
10.	4Р 215 “Пунгон.қ-Ғурумсарой. қ-Поп ш.” автомобиль йўлининг 23,5 км – 4Н 480 “Уйгур. қ-Мозор.қ” автомобиль йўлининг 0 км кесишмасига замонавий типдаги светафор ва тегишли йўл белгиси қўйиш	Замонавий типдаги светафор ва тегишли йўл белгиси

Тумани ҳокимининг
2020 йил "2" июндаги
504-сонли қарорига
2-илова

Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан тумаи ҳокимининг бекор қилинаётган фармойишлари
РЎЙХАТИ

№	Фармойиш қабул қилинган сана	Фармойиш рақами
1.	2019 йил 12 февраль	№31-Ф
2.	2019 йил 18 апрель	№64-Ф
3.	2019 йил 27 апрель	№75-Ф
4.	2019 йил 14 май	№83-Ф
5.	2019 йил 8 июль	№117-Ф
6.	2019 йил 8 июль	№121-Ф
7.	2019 йил 29 август	№161-Ф
8.	2020 йил 6 февраль	№20-Ф
9.	2020 йил 11 март	№41-Ф

Туманимиз ғаллакорларининг улкан меҳнат ғалабаси

Орамиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин!

ПОП ТОНГИ

№ 15 (8242)

2020 йил 24 июнь

Газета 1931 йил
20 ноябрдан чиқа бошлаган

Поп туман ҳокимлигининг газетаси

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2020 йил 23 июнь куни халқ депутатлари Поп туман Кенгашининг 7-сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида туман ҳокими А.Султанов, туман прокурори Х.Ҳакимов, Ички ишлар бўлими бошлиғи С.Абдуллаев, Давлат солиқ инспекцияси туман бўлими бошлиғи Ж.Бўтаев, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т.Эрматов, туман Санитария ва осойишталик маркази раҳбари Р.Боратов ва туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи М.Эргашевалларнинг туманда коронавирус пандемиясига оид фармон ва қарорлар ижроси тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.

Шунингдек, тумандаги сектор раҳбарлари томонидан Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан туман Кенгашига киритилган тақдимномалари кўриб чиқилди.

ВОДИЙДА БИРИНЧИМИЗ!

Офарин!

Дарҳақиқат, ўтган йили 20 июнда вилоятда биринчи бўлиб давлатга ғалла топшириш режасини бажарган бўлсак, бу йилги мавсум- 18 июнда водийда биринчи бўлишга эришдик. Июнь ойининг биринчи кунидан бошланган ўрим ишлари унчалик иссиқ бўлмаган, ҳаттоки гоҳида булутли ўтган 18 кун ичида маррага етиб келинди. Ўзимизда мавжуд 40 та комбайн, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Чортоқ ва Косонсой туманларидан ёрдамга келган 20 дан ортиқ комбайн ҳамда отрядлар туманимиз ғалла хирмонини кўтаришда амалий ёрдам кўрсатишди.



Ўтган йилги ғалла мавсумидан фарқли ўлароқ, бу йил фермер хўжаликлари "Art Soft Holding" кластери билан молиявий масалаларни ҳал этиш юзасидан шартнома тузган ҳолда иш ташкилланди. Ай-

ТУЗАТИШ

"Поп тонги" газетасининг 2020 йил 10 июндаги 14 (8241)-сонида расман эълон қилинган Поп тумани ҳокимининг 2020 йил 2 июндаги "Поп тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида"ги 504-сонли қарори матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Туман ҳокимининг қарори

Поп тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати Қоидалари" талабларига асосан Поп тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили 1-иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи С.Абдуллаев ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Ж.Гопировга туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг айрим фармойишлари 2-иловага асосан бекор қилинсин.

4. Мазкур қарор "Поп тонги" газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими: А.СУЛТАНОВ.

УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ



КОРОНАВИРУС-КЎРИНМАС БАЛО!

Бугунги кунда бутун жаҳон аҳолисини қўрқувга солиб ва кўплаб иқтисодий соҳаларнинг тўхташига сабаб бўлган коронавирус пандемияси юртимиз аҳолисига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, кўплаб инсонларнинг ҳаётига хавф солиб келмоқда. Шу боис, туманимиз фуқаролари ўртасида пандемия даврида карантин қоидаларига риоя қилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамда «Ёшлар келажагимиз» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда тарғибот тадбири ўтказилди.

Тарғибот тадбири

Тадбирда «Ёшлар [redacted] келажагимиз» Давлат дастури орқали имтиёзли кредит олиб ўз ишини бошлаган тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган 100 та тиббиёт ниқоблари шаҳар ҳудудида, аҳоли гавжум жойларда бепул тарқатилди. Карантин қоидаларига амал қилмасдан ниқобсиз юрган фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан карантин қоидаларини бузган фуқаролар учун белгиланган жарималар тўғрисида маълумотлар берилиб, карантин қоидаларини бузмасликка чақирилди.

Элдор УМАРОВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши бош мутахассиси.

ТЕМИРЙЎЛ ВА КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ

Бу - ҳар бир фуқаронинг бурчи

Вилоятимиз ҳудудидан кесиб ўтган жами 215 км. узун-